БХСРНИНГ УКРАИНА БИЛАН ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИГИ

Т.НУРИДДИНОВ

В статье освещены попытки налаживания экономической связи с Украиной БНСР, стремившейся к суверенной внешнеэкономической политике, чему всячески препятствовала РСФСР, что наглядно демонстрировало истинное отношение центра к молодой республике.

The article describes the attempts of former Bukhara People's Soviet Republic to establish independent economic relations with the Ukraine. But former authorities of Russian Federation attempted to prevent this intention and this fact discloses the real intention of the Center to young republic.

БХСР халқ нозирлари кенгашининг 1922 йил 28 февралдаги фармойиши билан Н.Саиджонов раислигида Кавказ савдо комиссияси ташкил этилиб, шу йилнинг 4 апрелидан иш фаолиятини бошлаган савдо ваколатхонаси Бухоронинг деҳқончилик ва чорва маҳсулотларини сотиш ишлари билан шуғулланган [1.27].

БХСР ҳукумати замонавий саноат ва қишлоқ хўжалигини ташкил этиш мақсадида хориж техникасини Бухорога кириташ асосий масалалардан бири эканлигини яхши тушунган.

1922 йилда Бухоро шаҳрини электрлаштириш масаласида ҳукумат томонидан савдо ваколатхонасига тегишли кўрсатмалар берилгандан кейин мазкур масалада ишлар бошлаб юборилди [4.58].

1922 йил 2 сентябрь куни икки томон ўртасида тузилган шартномага мувофиқ Бухорода ишга тушириладиган 240 от кучига эга бўлган электространция учун машинани хориждан харид қилишга келишилган эди [2.64]. 1923 йил 8 январь куни тузилган қўшимча келишувга кўра, шартнома шартларига муайян ўзгаришлар киритилди. Натижада умумий қуввати 270 от кучига эга бўлган электростанцияни куришга келишилди. Узунлиги 21 верстани ташкил этадиган Бухоро электр тизими учун ускуналарни РСФСР трестларидан харид қилиш, ҳосил қилинадиган энергиянинг 200 киловатини ёритиш, 50 киловатини эса саноат мақсадларига сарфлаш лойиҳалаштирилган [2.64]. "Сатсамбо" қурилиш ва техник бюросининг Ш.Элиава номига юборган маълумотномасида Бухоронинг электрлаштириш ускуналарини чет элдан сотиб олиш имконияти мавжуд бўлгани ҳолда рус совет саноати ва "Росторг"нинг савдо манфаатларини ҳисобга олиб, уларни совет республикаларидан харид қилиш ҳақида тўхтамга келингани қайд этилган. Шунингдек, унда электростанциянинг машина бўлими учун зарур бўлан машиналар, генераторлар, тақсимлаш жиҳозлари, 1200 пуд мис сим етказиб берилгани ҳақида ҳам маълумот берилади [2.65].

1922 йил 23 ноябрь куни билан қайд этилган кирим-чиқим маълумотига кўра, Бухорони электрлаштириш учун 394.890.000 рубль қийматга эга маҳсулотлар жўнатилган [2.56].

1922 йил 25 декабрда БХСР савдо ваколотхонаси Украинанинг "Донснабторг ДСНХ" пайчилик ширкати бошқармаси билан ҳамкорликни бошлайди [3.57, орқаси]. 1922 йил август ойида Ш.Элиава таклифи билан Грузиянинг "Сатсамбо" техник ва курилиш бюроси томонидан Бухорони электрлаштириш режаси ишлаб чиқилди. Мазкур режага кўра, Бухоро шаҳрида 4200 от кучига эга бўлган марказий электростанция куриш мўлжалланган эди [2.63].

1923 йил 11 январь кунги маълумотга кўра, "Сатсамбо" томонидан 500 от кучига эга электростанцияни Бухорода, 240 от кучига тенг электростанцияни Чоржўйда куриш ҳақида шартнома тузилган эди. Бухорони электрлаштириш билан боғлиқ жиҳозларни Харьковдан харид қилиш мақсадида 20.000 олтин рубль ажратилгани, шунингдек, Харьковда жойлашган электр трестидан лампочка, мис сим, тақсимлаш жиҳозлари харид қилиниши лозимлиги хақида сўз юритилади [2.45-46].

Грузия фирмаси Бухорони электрлаштириш учун катта ҳажмдаги ишларни амалга оширди. Мазкур масалада тузилган шартномани бажариш мақсадида Германиянинг "Шредер ва Зельгорст" Қора денгиз компаниясидан 20.000 турк лираси қийматидаги жиҳозлар харид қилган бўлиб, у талаб қилинаётган жиҳозларнинг учдан бир қисмини ташкил этарди [2.67]. Бухорони электрлаштириш масаласида РСФСРнинг "Росгосторг" ва унинг "Заквнешторг" ташкилоти турли тўсиқлар билан ҳалал беришга ҳаракат қилдилар. Грузия фирмаси ва Бухоро ҳукуматининг бир неча марта қилган сўровларига қарамасдан, Бухоро учун харид қилинган иҳозларнинг жўнатилишига қаршилик қилдилар [2.67] ва оқибатда электрлаштириш масаласининг ниҳоясига етмай қолишига, "Сатсам-

бо” ва БХСР ўртасидаги савдо муносабатларининг бузилишига сабабчи бўлдилар.

“Сатсамбо” бош бошқармаси томонидан Бухоро савдо ваколатхонаси номига 1923 26 январь куни юборилган хабарда Харьковнинг “Южмаштрест” корхонаси билан 120 от кучига, иккинчиси 100 от кучига эга бўлган дизель ускуналари харид қилингани маълум қилинади [2.21]. Юқоридаги электр жиҳозларини харид қилишда Бухоро савдо ваколатхонаси номидан Харьковнинг “Южмаштрест” корхонаси эски Бухоро шаҳрини электрлаштириш мақсадида фаолият олиб бораётган “Сатсамбо” бюросининг директори Ш.И.Цекашвилига ҳар томонлама ёрдам беришни сўраб мурожаат қилади [2.22]. Шу йилнинг 3 март куни Грузия халқ комиссалари совети раиси Ш.Элиава номига Харьковдан юборилган телеграммада Бухоро шаҳрини электрлаштириш учун харид қилинган жиҳозлар 3 та вагонга ортилгани, яна икки вагон юк ортилаётгани, юк Балашев – Тошкент йўналиши билан етказиб берилиши хабар қилинади [2.27].

Бухоро шаҳрини электрлаштириш учун зарур бўлган жиҳозларни харид қилиш масаласида Грузия хукумати бошлиғи Ш.Элиавадан ташқари “Сатсамбо” вакиллари М.Фрунзедан ҳам ёрдам кўрсатишини сўраган эдилар [2.9].

Грузия техник ва курилиш бюроси директори Ш.И.Цекашвили 1923 йил 2 март куни БХСР савдо ваколатхонасидан Украина халқ хўжалиги кенгаши раисига уларда мавжуд бўлган техник маҳсулотларни харид қилишда ёрдам кўрсатишларини сўраб тавсия хати юборишни сўрайди [2.28].

“Сатсамбо” бошқаруви РСФСРнинг “Резинотрест” ташкилотидан электрлаштириш ишини ниҳоясига етказиш учун трубаларни сотиш масаласида ёрдам беришини сўраб Бухоро савдо ваколатхонасига мурожаат қилади [2.35]. Ўз навбатида БХСР ваколотхонаси вакили Г.Ратнер РСФСР савдо ташкилотига мурожаат қилиб, 1922 йил 22 сентябридан буён электрлаштириш масаласида ҳамкорлик қилаётганини эътиборга олиб, мазкур ишни якунлаш учун зарур бўлган 7,9 ва 11 мм ли трубалардан жами бир пуд маҳсулотни имтиёзли нархларда сотиш таклифини илгари суради [2.33].

1922 – 1923 йиллар мобайнида БХСР нинг Кавказдаги савдо ваколатхонаси Украинанинг “Донснабторг ДСНХ” пайчилик ширкати, “Вакот” бутун Украина акциядорлик савдо жамияти каби савдо ташкилотлари билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйган эди. 1922 йил 25 декабрь куни БХСРнинг Кавказдаги мухтор савдо вакили А.Турсунхўжаев “Донсельмаш” заводи вакили М.М.Шефтель билан Бухорога ер ҳайдаш ускуналарини етказиб бериш ҳақида ўзаро келишувга эришади [3.57, орқаси]. Икки томон ўртасида 1923 йилнинг март ойида тузилган шартномага кўра Бухорога плуг, экиш ускунаси, “Сакна” номли отга кўшиладиган омочларни тажрибадан ўтказиш учун 1923 йилги РСФСР пул бирликларида 3000 сўмга харид қилинади ва харид қилинган маҳсулотлар боку орқали Бухорога жўнатилади [3.57].

Бухоро ташқи ишлар савдо ташкилоти саноат бўлими мудири Э.Хахамов номидан юборилган талабномада 10.000 дона ўтга чидамли ғишт, 1000 пуд ўтга чидамли қум, 1000 пуд майдаланган қум, 1000 пуд майдаланган қум, 1000 пуд кокс, 1 дюмдан 3 дюмгача бўлган газ трубаларининг ҳар бир навидан 100 донадан, турли ўлчамдаги гидравлик трубалардан 5-10 пуд, 50 пуд мовут, 9 пуд болт-гайкалар, 5000 дона элеватор болтлари, икки хил турли шайбалар етказиб бериш сўралади [3.149].

1923 йилнинг июль ойида Бутун Украина “Вакот” акциядорлик ташкилоти билан 10.000 дона ўтга чидамли ғишт, 1000 пуд ўтга чидамли тупроқ, 2700 фут икки хил ўлчамдаги газ трубалари хариди бўйича келишувга эришилади [3.145]. “Вакот” жамият вакили С.М.Сахаров номидан берилган ишончномага кўра, у Украина томонидан Бухорога кокс, болт ва гайкалар, шайбалар, гидравлик трубалар, мовут етказиб бериш мажбуриятини олган эди. Шунингдек, Украина вакиллари икки ўртадаги ҳамкорликни яҳшилаш учун ўз вакилларини юбориш таклифини илгари сурдилар [3.39].

Украина вакиллари мазкур сўровномага мувофиқ 1923 йил 1 июль куни Бухорога етказиб берилиши мумкин бўлган маҳсулотлар рўйхатини ҳавола қилади. Унда, жумладан, 1000 дона ўтга чидамли ғишт, 1000 пуд ўтга чидамли қум, 2700 фут газ трубалари етказиб бериш имкони борлиги маълум қилинади [4.35]. Ҳамкорлар томонидан берилган бошқа бир маълумотда Бухорога сотиладиган маҳсулотлар қиймати келтирилиб, улар қуйидаги кўринишда бўлган эди: ўтга чидамли ғиштнинг донаси 35 тийин, майдаланган ўтга чидамли тупроқ – пуди 45 тийин, майдаланмагани – 40 тийин, маҳсулотларнинг 1600 градусга чидам бериши кафолатланади. Газ трубаларининг турли ўлчовларига қараб 65 тийиндан 1 сўм 90 тийингача, турли шайбаларнинг 100 донасига 55 тийиндан 2 сўм 40 тийингача бўлган нарх белгиланган эди [2.64].

БХСР савдо ваколатхонасининг фаолияти қийин ва мураккаб шароитларда олиб борилди. РСФСР “Внешторг”и унинг Кавказ ортидаги бўлими Бухорони электрлаштириш учун зарур бўлган жиҳозларни Украинадан харид қилинишига турли тўсқинликлари амалга оширдилар. Дастлаб ушбу маҳсулотларни хориждан, жумладан, Германия ва Швейцариядан харид қилинишига қаршилик қилинган бўлса, кейинчалик, РСФСР трестлари мис симларни фақат валютага кам миқдорда сотиш талабини қўйган эдилар [2.67]. Бундан ташқари Тверитен бошлиқ “Росгострг” Грузия техник ва қурилиш бюроси “Сатсамбо”нинг Бухоро шаҳрини электрлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларига турли тўсиқлар қўйиши натижасида грузин корхонаси ва Бухоро республикаси жиддий молиявий зарар кўрди.

Хулоса қилиб айтганда, БХСРнинг нафақат хорижий давлатлар билан, балки ҳатто совет республикалари билан ўрнатган иқтисодий муносабатлари ҳам РСФСРнинг турли ташкилотлари, биринчи навбатда, “Внешторг” томонидан сиқувга олинганлигига тарихий манбалар гувоҳлик бериб турибди. Иккинчи томондан эса, совет ҳукумати БХСРни ўзининг хом ашё базаси, маҳсулотлар сотиладиган бозори бўлишини режалаштириб, кейинчалик мазкур маъмурий бирлик бутунлай тарих саҳнасидан юлиб ташлашни режалаштирган эди.

Архив манбалари:

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви, 1914-фонд 1-рўйхат, 1-иш
Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви, 1914-фонд 1-рўйхат, 8-иш
Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви, 1914-фонд 1-рўйхат, 10-иш
Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви, 1914-фонд 1-рўйхат, 11-иш

Қўқон давлат педагогика институти,
2012 йил 20 ноябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Қ.Ражабов)